

Ўзбекистон - Туркменистон: маданий ҳамкорликнинг янги босқичи

Низомов Х., Омонова С.

Таянч сўз ва иборалар: Маданият, маданий ҳамкорлик, миллий-маданий марказ, сайёҳлик, дўстлик, адабиёт, санъат.

Ключевые слова и фразы: Культура, культурное сотрудничество, национально-культурный центр, туризм, дружба, литература, искусство.

Key words and phrases: Culture, cultural cooperation, national-cultural center, tourism, friendship, literature, art.

Мустақил Ўзбекистон эришаётган барча муваффақиятларга кўп миллатли юртимизда тинч тотув яшаб келаётган юз минглаб туркман миллатига мансуб фуқароларимиз ҳам салмоқли ҳисса қўшаётгани бизни ҳаял қувонтиради. Зеро, “Туркменистон - биз учун тарих ва вақт синовидан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб турадиган энг яқин қўшнимиздир”[1].

Таъкидлаш жоизки, қардош мамлакатлар ҳамкорлигининг сиёсий-ҳуқуқий асоси мустақиллик арафасидаёқ шакллана бошланган эди. 1991 йил 19-21 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов бошчилигида давлат делегациясининг Туркменистонда бўлиб, икки республика ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома ҳамда республикалар ҳукуматлари ўртасида 1992-1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Битимнинг имзоланиши натижасида икки мамлакат ҳамкорлигининг ҳуқуқий негизи яратилди[2].

Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлари ўртасида 1993 йил 14 апрелда транспорт ва алоқа доирасидаги муносабатларнинг асосий тамойиллари тўғрисида, 1993 йил 28 августда божхона муносабатлари асоси тўғрисида ва 1993 йил 11 октябрда электр почта алоқалари тўғрисида

битимларнинг имзоланиши давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини шакллантириши билан бирга сўнгги йилларда имзоланган қатор ҳужжатларнинг ҳуқуқий базаси сифатида амалиётда ўз аксини топди. Чунки, сиёсий ҳуқуқий асос ҳар қандай давлатлараро ҳамкорликни ҳаракатлантирувчи механизмдир.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йил 16 февралда ўрнатилган[3]. 1996 йил 16 январда “Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида”, 2004 йил 19 ноябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида” ҳамда 2007 йил 18 октябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида”ги давлатлараро шартномалар ўзаро ҳамкорлик ҳуқуқий асосларининг юқори поғонага кўтарилганлигини кўрсатади[4].

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида маданий соҳаларда ҳамкорлик қилишда “Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги ва Туркменистон маданият ва сайёҳлик вазирлигининг 1992-1995 йилларга мўлжалланган битим” (1992 йил) ва “Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик битими” (1996 йил)[5] каби икки давлат ҳамкорлигига доир норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг таклифига биноан 2017 йил 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлди. 2018 йил 23-24 апрель кунлари Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифида имзоланган 17 та ҳужжат Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серқирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади[6].

Ўзбек халқи азалдан кўз-қошдек яқин, қондош ва жондош туркман халқига, унинг адабиёти ва маданиятига юксак эҳтиром билан қараб келади. Туркман адабиётининг улкан намояндалари бўлмиш Озодий, Андалиб, Камина, Залилий, Муллонафас, Сайидий сингари атоқли шоирларнинг номлари малум ва машҳурдир. Улар орасида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғийнинг ижоди, ҳеч шубҳасиз, алоҳида ажралиб туради[7].

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг фаол саъйи-ҳаракатлари билан мустақил давлатларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларига мустаҳкам замин яратилди. Бу борада гуманитар-маданий соҳалардаги муносабатларимиз изчил ривожланиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Бугун биз мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш билан бирга, жамиятимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш, шу жумладан, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини нашр этиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Биргина кейинги ўн йилда юртимизда Махтумқулининг ўнга яқин китоблари атоқли ўзбек ижодкорлари томонидан юксак маҳорат билан таржима қилиниб, маънавий хазинамиздан муносиб ўрин олди.

Агар улуғ туркман шоирининг она тилимизда нашр этилган барча китобларининг умумий сонини ҳисоблайдиган бўлсак, қарийб 1 миллион нусхадан ортиқни ташкил этади.

Айни пайтда Туркменистонда ҳам ўзбек адабиёти ва маданиятига доимий эътибор қаратилаётгани бизни мамнун этади. Қардош мамлакатнинг турли ҳудудларида ўзбек санъаткорлари иштирокида дўстлик фестиваллари, маданият ва санъат кунлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Туркменистон нашларида, жумладан, “Дунё адабиёти” журналида юртимиз адибларининг асарларидан намуналар чоп этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркменистон ҳамкорлигининг сифат жиҳатдан янги босқичи бошланмоқда. Биз мухтарам Гурбангули Меликулиевич билан давлатларимиз ўртасида нафақат савдо иқтисодий, айти пайтда маданий маърифий соҳалардаги алоқаларимизни ҳам янада ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқдамиз ва бу йўлда барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз[8].

Бугунги кунда Ўзбекистонда 189 мингга яқин туркман миллатига мансуб ватандошларимиз истиқомат қилмоқда. Туркман тилида фаолият олиб борадиган 44 та мактабда 8 мингдан ортиқ болаларимиз таълим олмоқда. Улар туркман тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўла таъминланмоқда. Ушбу дарсликларни яратиш учун “Ўзбекистон” нашриётида “Туркман тили” бўлими ташкил этилган. Қарақалпоқ давлат университети ва Тўрткўл педагогика коллежида туркман тилидаги мактаблар учун педагог кадрлар тайёрланмоқда.

2018 йилга келиб Ўзбекистон таълим муассасаларида Туркменистоннинг 720 нафар фуқароси таҳсил олмоқда[9].

Айти вақтда фаол иш олиб бораётган Республика туркман маданий маркази Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги туркман миллий маданий марказларини бирлаштириб турибди[10].

Албатта, икки халқ ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик муносибатларини янада мустаҳкамлашда маданий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларининг маданий ҳамкорлигини ривожлантиришда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши (ЎХМДММАЖК), “Ўзбекистон - Туркменистон” дўстлик жамияти, Республика Байналмилал маданият маркази (РБММ) ҳамда Республика туркман маданият марказлари алоҳида ўрин тутади. 2017 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар

билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони[11] билан (ЎХМДММАЖК), ва (РБММ) негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

2008 йил 7-12 апрел кунлари Ашхободда бўлиб ўтган “Туркменистон: инсоният мусиқа санъатининг маънавий хазинаси” фестивалида мамлакатимиздан “Ўзбекистон солистлари” камер оркестри иштирок этган бўлса, шу йилнинг 14-20 август кунлари Тошкент вилояти, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Туркменистон киноси кунлари бўлиб ўтди ва тадбир давомида туркменистонлик киноижодкорларнинг 11 та фильми намойиш этилди[12]. Туркменистон санъат усталари Ўзбекистонда ҳар икки йилда бир ўтказилиб келинадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида ҳам мунтазам равишда қатнашиб келмоқда. Хусусан, 2009 йилда бўлиб ўтган VII фестивалда туркменистонлик Л.Бегназарова “Шарқ тароналари” Гран-при соҳибаси бўлди[13].

Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари ҳамкорлигининг ривожланишида спорт соҳасидаги алоқалар мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ йўлга қўйилган бўлиб, кейинги йилларда янада ривож топиб келмоқда.

Туризм жамият маданий ҳаётининг таркибий қисмидир. Икки мамлакатнинг сайёҳлик борасида амалга оширган ишлари йилдан йилга фаоллашиб бормоқда ва бу ўз навбатида чет эл сайёҳларининг оқимини кўпайтирмоқда. Чунончи, 2005 йилда Туркменистондан 30 га яқин сайёҳ Ўзбекистонга келган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 5588, 2016 йилда 5721, 2017 йил январь сентябрь оралиғида 6822 нафарни ташкил қилди[14]. Ўзбекистондан Туркменистонга боровчи сайёҳлар сони 2005 йилда 81 кишидан 2013 йилга келиб 4470 нафарга етди. Яъни, бундай ўсишга сабаб икки мамлакатда мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган турли хил маданий тадбирларнинг фаолияти муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2008 йил 23 октябрда Ашхободда Ўзбекистоннинг Туркменистондаги элчихонасида “Тошкент - Ўзбекистоннинг туризм маркази” мавзусида тадбир ташкил этилган[15].

2017 йил май ойида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан 100 нафар бола Туркменистоннинг “Аваза” туризм шағарчасининг “Даянч” болалар соғломлаштириш марказида дам олиб қайтдилар[16]. Бу ҳам давлатлар ўртасидаги сайёҳликнинг ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йил 10-11 октябрь кунлари Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Тадбирда Ҳамдўстлик доирасида таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият, ахборот, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олиниши МДҲ доирасида Ўзбекистон ва Туркменистон фуқароларининг маданият ва фаровонлик даражасини юксалтиришга кўмаклашиш имконини беради.

Мухтасар айтганда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари ўртасида бир-бирини ҳурмат қилиш, манфаатларини ўзаро инобатга олишга асосланган барқарор ва дўстона муносабатларни ривожлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Давлат раҳбарларининг очиқ, ўзаро ишонч ва дўстона муносабатлари нафақат Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т. Ўзбекистон, 2018. - Б. 354.
2. ЎзР МДА.М-37фонди, 2-рўйхат 81-йиғма жилд. 16-19-варақлар.
3. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти: халқаро муносабатлар ва ташқи алоқаларни ташкил қилиш. - Т. Ғафур Ғулом, 2008. - Б. 211.
4. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами. - Т.: 2007, №4 сони, - Б. 45-47.
5. ЎзР МДА.М-7фонди, 1-рўйхат 332-йиғма жилд. 297-варақ.
6. Халқ сўзи. - 2018. - 24 апрель.
7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т. Ўзбекистон, 2018. - Б. 367.
8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т. Ўзбекистон, 2018. - Б. 371.
9. Халқ сўзи. - 2018 йил. -24 апрель.
10. Ўша манба. - Б. 372.
11. Халқ сўзи. - 2017. - 20 май.
12. Халқ сўзи. - 2008. - 21 август.
13. Мирзаев Ғ.Р. Азалий қардошлик ришталари тараққиёт йўлида (ўзбек ва туркман халқлари ҳамкорлиги). Монография. - Т.: Наврўз, 2016. - Б. 83.
14. “Ўзбектуризм” миллий компанияси жорий архиви. 26-27 -варақлар.
15. Кузиев Н.А. Внешнеполитические условия культурной трансформации Шёлкового пути. - Т.: “Фан”, 2015. – С. 89-91.
16. Халқ сўзи. – 2017. – 23 май.

Резюме

Омонова С.

Ўзбекистон - Туркменистон: маданий ҳамкорликнинг янги босқичи

Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳамда Туркменистон республикалари ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг янги босқичи ёритиб берилган.

Резюме

Омонова С.

В данной статье освещена новый этап культурных отношений Узбекистана с Республикой Туркменистан в годы независимости

Resume

Omonova S.

This article describes cultural cooperation of the Republik of Uzbekistan with Turkmenistan.